

A
Я 49

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
УРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
7.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

ЯКУБЖАНОВА ДИЛФУЗА КОДИРОВНА

**МАШИНА-ТРАКТОР АГРЕГАТЛАРИНИНГ ОСМА ТИЗИМЛАРИ
ҲАРАКАТИНИНГ МОДЕЛЛАРИ ВА БОШҚАРИШ АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

ЯКУБЖАНОВА ДИЛФУЗА КОДИРОВНА

МАШИНА-ТРАКТОР АГРЕГАТЛАРИНИНГ ОСМА ТИЗИМЛАРИ
ҲАРАКАТИНИНГ МОДЕЛЛАРИ ВА БОШҚАРИШ АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.02 – Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.1.PhD/Т42 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-қўмуниқация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Азимов Бахтиёр Магруппович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Равшанов Нормухмад
техника фанлари доктори, профессор
Ходжаев Шухрат Толибович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DS.Sc.27.06.2017.Т.07.01 Илмий кенгашнинг 2019 йил «18» декабрда соат 18:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (100202 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871)238-65-44).

Диссертация автореферати 2019 йил «5» декабр куни тарқатилди.
(2019 йил «19» ноябрдаги 20 рақамли реестр баённомаси).



Р.Х. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М. Нуралнев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.А. Раҳматуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий ахборот технологиялари асосида қишлоқ хўжалиги машиналари параметрларини ташхислаш жараёнида динамик режимларни моделлаштириш ва оптимал бошқариш масалалари ҳамда муаммоларини ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Дунё пахта ишлаб чиқариш маълумотларига кўра, пахтанинг 30% машиналарда терилади. Австралия, Исроил ва АҚШ давлатларигина барча пахтани машинада теради»¹. Қишлоқ хўжалиги ривожланган давлатларда пахта етиштиришда экин майдонларининг аста-секин ўсиб бориши ва ишчи кучининг қисқаришига қарши курашиши юқори ўтиш қобилиятига эга йирик ва оғир ускуналарни қўллашга олиб келди. Дунёнинг кўплаб давлатлари АҚШ, Германия, Австралия, Исроил, Россия ҳамда Ўзбекистон томонидан қишлоқ хўжалик машиналари, хусусан пахта териш машиналари ишлашининг технологик жараёнини такомиллаштириш муаммоларини ечишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда машина-трактор агрегатлари ҳаракатини бошқариш моделлари ва алгоритмларини такомиллаштириш ҳамда уларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан ишлаб чиқилган математик моделлар асосида турли ҳаракат шароитида пахта териш машиналарининг ишлашидаги технологик жараёнларни бошқариш, машина ҳаракатидаги турли хил ташқи ва ички таъсирларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш энг муҳим вазифалар қаторига киради.

Республикамизда пахта териш машиналарининг функционал, таркибий-технологик ва энергетик параметрларини назорат қилиш ва ташхислашнинг комплекс мониторинг тизимини яратиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалик машинасозлиги саноатига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, пахта териш машиналарини ишлаб чиқиш, мавжудларини такомиллаштириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, пахта териш машиналари ва уларнинг ишчи агрегатларининг осма тизимларини лойиҳалашнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва жадал ривожлантириш, ...илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, ...иктисодий, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»² вазифалари белгиланган.

¹<http://journal.cotton.org>, The Cotton Foundation 2015.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида”ги Фармони

Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан пахта териш машиналарининг турли шароитларда ҳаракатланиш жараёнларини математик моделлари ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”ги фармони, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон “Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техникавий базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV - «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда осма тизимли машина-трактор агрегатларини ҳаракатининг моделлари ва бошқариш алгоритмларини яратиш устида тадқиқотлар олиб борилган ҳамда етарли даражада назарий ва амалий натижалар олинган. Жумладан, хорижий олимлардан Р.Дорф, Р.Бишоп, С.М.Нисин, А.И.Светачев, Г.Б.Шпилевский, А.В.Шишкин, Е.В.Сливинский, В.М.Дмитриев, Г.Таяновский, Ю.А.Тырнов, Г.П.Мисын, З.С.Зегерман, А.В.Панков, С.В.Тарасова, П.Ю.Яковлев, З.Я.Лурье, В.А.Макей, Е.Н.Цента ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда Х.Х.Усманходжаев, А.Д.Глущенко, Р.Д.Матчанов, Ш.М.Мирзиёев, Х.Т.Турапов, М.Т.Тошболтаев, Э.К.Абдуллаев, Ф.К.Дадабаев, Х.З.Эгамбердиев ва Б.М.Азимовлар осма тизимли машина-трактор агрегатларининг ҳаракат моделлари ва бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшганлар.

Ҳозирги кунда пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизимини турли шароитдаги ҳаракатининг моделлари ва бошқариш алгоритмларини яратиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказининг илмий тадқиқот режасининг КА-3-017+КА-5-002-«Технологик машиналар бошқариш ўқлари ҳаракатини моделлаштириш ва оптималлаштириш дастурий-алгоритмик воситаларини ишлаб чиқиш»

(2015-2017), МВ-Атех-2018-92+БВ-Атех-2018-13: «Пахта териш машиналари турли шароитларда ҳаракатланганда параметрларини оптималлаштиришнинг моделлари, алгоритмлари ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизимларини турли шароитдаги ҳаракатининг моделлари ва оптимал бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизими ҳаракатини бошқариш жараёнларининг умумий структурасини ишлаб чиқиш;

турли ҳаракат шароитида пахта териш машинасининг горизонтал тебранишларининг математик моделини ишлаб чиқиш;

турли ҳаракат шароитида пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизимини вертикал тебранишларининг математик моделини ишлаб чиқиш;

турли ҳаракат шароитида пахта териш машинасини горизонтал тебранишларининг оптимал бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш;

турли ҳаракат шароитида пахта териш машинасини вертикал тебранишларининг оптимал бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш;

пахта териш машинасини териш аппаратлари осма тизими параметрларини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизими.

Тадқиқотнинг предмети пахта териш машинаси ҳаракатини оптимал бошқаришни тадқиқ этиш учун математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари: математик моделлаштириш, тизимли таҳлил, ғилдиракли машиналар назарияси, вариацион ҳисоб усуллари, оптимал бошқариш назарияси ҳамда замонавий ахборот технологиялари услубиятлари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли ҳаракат шароитида пахта териш машинасининг горизонтал тебранишларининг математик модели ишлаб чиқилган;

турли ҳаракат шароитида пахта териш машинасини ва унинг териш аппаратлари осма тизимини вертикал тебранишларининг математик модели ишлаб чиқилган;

турли ҳаракат шароитида пахта териш машинасининг горизонтал тебранишларини оптимал бошқариш алгоритминини ишлаб чиқилган;

турли ҳаракат шароитида пахта териш машинасининг вертикал тебранишларини оптимал бошқариш алгоритминини ишлаб чиқилган;

пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизимининг параметрларини оптималлаштириш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли ҳаракат шароитида пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизимининг ҳаракатини моделлаштириш услуги ишлаб чиқилган;

териш аппаратлари осма тизимининг конструктив параметрларини аниқлаш учун пахта териш машинаси ҳаракатланишини оптимал бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган;

пахта териш машинаси териш аппаратлари осма тизимининг оптимал тартибини танлаш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизими ҳаракатини баҳолашда математик аппаратнинг тўғри қўлланилиши ҳамда ҳисоблаш тажрибалари натижалари дала тажрибалардан олинган маълумотлар билан солиштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган математик моделлар ва ҳисоблаш алгоритмларини пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизимини лойиҳалаш жараёнига қўллашда назарий тажрибаларнинг етарли аниқлигини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган математик ва дастурий таъминот пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизимининг ҳаракатини баҳолаш бўйича самарали қарорлар қабул қилишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта териш териш машинаси ҳаракатини тадқиқ этиш мақсадида яратилган математик моделлар, алгоритмлар ва дастурий мажмуалар асосида:

пахта териш машинаси ҳаракатини оптимал бошқариш ва пахта териш машинаси териш аппаратининг осма тизими конструкциявий параметрларини мақбуллаштириш моделлари ва алгоритмлари «Трактор» МКБ УҚда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 23 майдаги 33-8/3586-сон ва Ўзбекистон Республикаси «Ўзагроросаноатхолдинг» АЖнинг 2019 йил 15 январдаги АР-19-02/86-сон маълумотномалари). Натижада техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ва лойиҳалаш жараёнида натижаларни қайта ишлашни автоматлаштириш имконини берган;

турли ҳаракат шароитида пахта териш машинасининг параметрларини мақбуллаштириш моделлари, алгоритмлари ва дастурий воситалари «КТЦСМ» МЧЖда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 23 майдаги 33-8/3586-сон ва Ўзбекистон Республикаси «Ўзагроросаноатхолдинг» АЖнинг 2019 йил 15 январдаги АР-19-02/86-сон маълумотномалари). Натижада пахта териш машинаси териш аппарати осма тизимларининг ишлаш аниқлиги ва ишончлилигини ошириш ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш имконини берган. Шунингдек пахта териш машинаси ва териш аппаратлари осма тизимларини лойиҳалаш вақтини минималлаштириш ва параметрларини тезкор аниқлаш таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, 4 таси хорижий, 5 таси республика журналларида чоп этилган ҳамда 2 та ЭҶМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлик ҳолати ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Осма тизимли машиналарни бошқариш жараёнларини баҳолаш усуллариининг тизимли таҳлили» деб номланган биринчи боби тўртта параграфдан иборат. Унда машина синов мажмуалари тузилишининг умумий ҳолати масалалари бўйича муаммоларни баҳолашда тизимли таҳлилнинг концептуал хусусиятлари, танланган синов ва бошқариш объектининг умумий тузилиши ва характеристикалари ёритилган. Машина-трактор агрегатлари ва машина синов тизимларини бошқаришнинг мураккаб техник тизимлари сифатида аниқловчи осма тизимларни бошқариш жараёнларининг умумий тузилишини қуришнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган.

Диссертация мавзуси доирасида олимлар томонидан тадқиқотларнинг турли босқичларида бажарилган илмий ишланмаларининг батафсил аналитик шарҳи келтирилган. Синов машиналари, хусусан осма тизимларни оптимал бошқариш бўйича тадқиқотлар шарҳини инобатга олган ҳолда, танланган синов ва бошқариш объектининг умумий тузилиши ва хусусиятлари келтирилган. Танланган бошқариш объекти – тўрт ғилдиракли схема бўйича иккита орқа бошқарилувчи ғилдиракка эга икки қаторли вертикал-шпинделли МХ-1.8 пахта териш машинасининг умумий тавсифи, машинанинг асосий қисмлари ва уларнинг техник характеристикалари келтирилган.

Пахта териш машинаси бошқарув жараёнларининг умумий тузилиши шакллантирилган ва тақдим этилган. IDEF услубиёти асосида пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизими ҳаракати бошқарувининг функционал тузилмаси қурилган. Пахта териш машинаси ҳаракатини бошқаришдаги зарурий ресурслар таъсири остида киришларни чиқишларга алмаштирувчи функционал блок кўринишида тасвирланади. Бунда қарор қабул қилувчи шахснинг вазифаси тадқиқот жараёнини бошланғич маълумотлар ва ишлаш режимини танлаш ҳамда ўзгартириш орқали амалга ошириш, бошқарув объекти параметрлари ҳолатини таҳлил қилиб боришни таъминлашдан иборат.

Ўтказилган таҳлил асосида масаланинг қўйилиши ва тадқиқот мақсади шакллантирилган. Масалани қўйилишида асосий эътибор пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизимининг ишлаш кўрсаткичларини баҳолаш учун математик моделлар ва бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Диссертациянинг “МХ-1.8 пахта териш машинаси ҳаракатининг математик моделларини ишлаб чиқиш” номли иккинчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, турли ҳаракат шароитида пахта териш машинаси ҳаракатининг математик моделини ишлаб чиқишга бағишланган.

Дастлабки босқичда пахта териш машинаси ҳаракатланишининг кинематик ва ҳисоблаш схемаларини ишлаб чиқиш масаласи қаралган. Кейинги босқичда пахта териш машинаси турли шароитларда ҳаракатланиш жараёнида горизонтал тебранишларининг математик модели ишлаб чиқилган.

Ҳисоблаш схемаси асосида пахта териш машинасини бурилиш йўлакларидagi нотекис йўлларда ҳаракатланиши жараёнида горизонтал тебранишларининг умумлашган математик модели иккинчи турдаги Лагранж тенгламаси (1) кўринишида тузилган.

$$\left. \begin{aligned} m_n \ddot{x}_n &= F_n - b_1(\dot{x}_n - \dot{x}_{n_1}) - c_1(x_n - x_{n_1}) - b_2(\dot{x}_n - \dot{x}_{n_2}) - c_2(x_n - x_{n_2}), \\ m_1 \ddot{x}_{n_1} &= b_1(\dot{x}_n - \dot{x}_{n_1}) + c_1(x_n - x_{n_1}) - m_1 \frac{2\pi^2 V_n^2}{l_1^2} h_n \sin \frac{2\pi V_{k_1} t}{l_1}, \\ (m_2 - m_3) \ddot{x}_{n_2} &= b_2(\dot{x}_n - \dot{x}_{n_2}) + c_2(x_n - x_{n_2}) - (m_2 - m_3) \frac{2\pi^2 V_n^2}{l_2^2} h_n \sin \frac{2\pi V_{k_2} t}{l_2}, \end{aligned} \right\} \quad (1)$$

$$J(q_0, u(t), q(t)) = \int_{t_0}^T f^0(q(t), u(t), t) dt + g^0(q_0, g(T)) \rightarrow \min$$

$$q_i(0) = q_0(0), \quad \dot{q}_i(0) = \dot{q}_0(0), \quad V_i(0) = V_0(0)$$

$$q_i(t) = q_0(t), \quad \dot{q}_i(t) = \dot{q}_0(t), \quad V_i(t) = V_0(t) \quad (i = \overline{1, n}), \quad 0 \leq t \leq T,$$

бу ерда \dot{x}_1 ва \ddot{x}_1 — машинанинг чизикли тезлиги ва тезланиши, \dot{x}_2 ва \ddot{x}_2 — олд филдиракларнинг чизикли тезлиги ва тезланиши, \dot{x}_3 ва \ddot{x}_3 — орқа филдиракларнинг чизикли тезлиги ва тезланиши, b_1 — машина олд филдиракларинг шинасининг қовушқоқлик коэффициентини, b_2 — машина орқа филдираклари шинасининг қовушқоқлик коэффициентини, c_1 — машина олд

гилдираклари шинасининг бикрлик коэффициенти, c_2 — машина орқа гилдираклари шинасининг бикрлик коэффициенти, m_m — машинанинг массаси, m_1 — машина олд гилдиракларига тақсимланган масса, m_2 — машина орқа гилдиракларига тақсимланган масса, m_3 — пахта териш машинаси олд қисмига тақсимланган масса, h_n — нотекис йўл баландлиги, V_m — машина тезлиги, V_{k_1} — машинанинг олд гилдираклари тезлиги, V_{k_2} — машинанинг орқа гилдираклари тезлиги.

Шунингдек, ҳисоблаш схемаси асосида пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизимини бурилиш йўлақларидаги нотекис йўлларда ҳаракатланиши жараёнида вертикал тебранишларининг умумлашган математик модели иккинчи турдаги Лагранж тенгламаси (2) кўринишида тузилган:

$$\left. \begin{aligned} m_m \ddot{y}_m &= F_y - b_1(\dot{y}_m - \dot{y}_{k_1}) - c_1(y_m - y_{k_1}) - b_2(\dot{y}_m - \dot{y}_{k_2}) - c_2(y_m - y_{k_2}), \\ m_1 \ddot{y}_{k_1} &= b_1(\dot{y}_m - \dot{y}_{k_1}) + c_1(y_m - y_{k_1}) - m_1 \frac{2\pi^2 V_{k_1}^2}{l_5^2} h_n (1 - \cos \frac{2\pi V_{k_1}}{l_5} t), \\ (m_2 - m_3) \ddot{y}_{k_2} &= b_2(\dot{y}_m - \dot{y}_{k_2}) + c_2(y_m - y_{k_2}) - (m_2 - m_3) \frac{2\pi^2 V_{k_2}^2}{l_5^2} h_n (1 - \cos \frac{2\pi V_{k_2}}{l_5} t), \\ j_{z_1} \ddot{\varphi}_{z_1} &= F_{z_1} \cdot l_6 - b_3(\dot{\varphi}_{z_1} - \dot{\varphi}_{\text{ок}}) - c_3(\varphi_{z_1} - \varphi_{\text{ок}}) - l_7 \cdot m_m \ddot{y}_m, \\ j_{\text{ок}} \ddot{\varphi}_{\text{ок}} &= b_3(\dot{\varphi}_{z_1} - \dot{\varphi}_{\text{ок}}) + c_3(\varphi_{z_1} - \varphi_{\text{ок}}) - l_7 \cdot m_m \ddot{y}_m, \\ m_{z_1} \ddot{y}_{z_1} &= \frac{j_{z_1} \ddot{\varphi}_{z_1}}{l_7 - l_6}, \\ m_{\text{ок}} \ddot{y}_{\text{ок}} &= \frac{j_{\text{ок}} \ddot{\varphi}_{\text{ок}}}{l_7} \end{aligned} \right\} \quad (2)$$

$$J(q_0, u(t), q(t)) = \int_0^T f^0(q(t), u(t), t) dt + g^0(q_0, g(T)) \rightarrow \min$$

$$q_i(0) = q_0(0), \quad \dot{q}_i(0) = \dot{q}_0(0), \quad V_i(0) = V_0(0)$$

$$q_i(t) = q_0(t), \quad \dot{q}_i(t) = \dot{q}_0(t), \quad V_i(t) = V_0(t) \quad (i = \overline{1, n}), \quad 0 \leq t \leq T$$

бу ерда \dot{y}_m ва \ddot{y}_m — машинанинг чизикли тезлиги ва тезланиши; \dot{y}_{k_1} ва \ddot{y}_{k_1} — олд гилдиракларнинг чизикли тезлиги ва тезланиши; \dot{y}_{k_2} ва \ddot{y}_{k_2} — орқа гилдиракларнинг чизикли тезлиги ва тезланиши; $\dot{\varphi}_{z_1}$ ва $\ddot{\varphi}_{z_1}$ — гидроцилиндр ричагининг бурчак тезлиги ва айланма тебраниш тезланиши; $\dot{\varphi}_{\text{ок}}$ ва $\ddot{\varphi}_{\text{ок}}$ — тебранма вал ричагининг бурчак тезлиги ва айланма тебраниш тезланиши; b_3 — териш аппаратлари осма механизми тебранувчи валининг қовушқоқлик коэффициентини; c_3 — териш аппаратлари осма механизми тебранувчи валининг қовушқоқлик коэффициентини; m_a — териш аппаратига тақсимланган оғирлик; m_{z_1} — гидроцилиндрга тақсимланган оғирлик; $m_{\text{ок}}$ — тебранма валга тақсимланган оғирлик; F_{z_1} — териш аппаратлари осма механизми гидроцилиндрдаги куч; l_1, l_2, l_3, l_4 ва l_5 — таянчлар ва бурмалар орасидаги масофа; l_6 — гидроцилиндр дастагининг узунлиги; l_7 — териш аппаратлари

осмаси дастагининг узунлиги; j_{ψ} ва j_a – гидроцилиндри улаш ва териш аппарати осма дастакларининг инерция моментлари.

Диссертациянинг «Пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизимини оптимал бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи боби олтита параграфдан иборат бўлиб, пахта териш машинаси турли шароитларда ҳаракатланганда горизонтал ва вертикал тебранишларининг оптимал бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш масалаларини ечишга бағишланган.

Пахта териш машинаси турли шароитларда ҳаракатланганда горизонтал ва вертикал тебранишларини оптимал бошқариш масаласини шакллантирамыз.

Пахта териш машинасининг бошланғич вақтдаги ҳолати

$$q_i(0) = q_{i0}(0), \quad \dot{q}_i(0) = \dot{q}_{i0}(0). \quad (3)$$

Шундай $u(t)$ бошқаришни топиш керакки, пахта териш машинаси ҳаракатини аввалдан белгиланган ҳолатга олиб ўтсин:

$$q_i(t) = q_{i0}(t), \quad \dot{q}_i(t) = \dot{q}_{i0}(t), \quad 0 \leq t \leq T \quad (i = \overline{1, n}). \quad (4)$$

Бунда бошланғич ҳолатдан белгиланган ҳолатга ўтиш жараёнига сарфланадиган вақт қисқа бўлсин. У ҳолда бошқаришдан мақсад

$$J(q_0, u(t), q(t)) = \int_{t_0}^T f^0(q(t), u(t), t) dt \quad (5)$$

функционални берилган (3),(4) шартлар бўйича минималлаштиришдан иборат бўлади

$$\dot{q}(t) = f(q(t), u(t), t). \quad (6)$$

Фараз қилайлик функция берилган бўлсин

$$g^i(q_0, q(T)) \leq 0, \quad i = \overline{1, m}; \quad g^i(q_0, q(T)) = 0, \quad i = m+1, \dots, s, \quad (7)$$

$$u \in U, \quad t_0 \leq t \leq T, \quad (8)$$

бу ерда $f(\dots)$ – узлуксиз-дифференциалланувчи функция; $u(t)$ – $[t_0, T]$ ораликдаги бўлакли-узлуксиз функция.

Пахта териш машинаси ҳаракатини оптимал бошқаришнинг зарурий шартини тадқиқ қилиш учун Понтрягиннинг максимум принциpidан фойдаланамиз.

Максимум принципини шакллантириш учун Гамильтон-Понтрягин функциясини

$$H = (q, u, t, \psi, \psi_0) = -f^0(q, u, t) + \langle \psi, u \rangle \quad (9)$$

ва қўшма тизимни

– горизонтал ҳаракат учун:

$$\left. \begin{aligned} \frac{d\psi_1}{dt} &= -\frac{\partial H_x}{\partial x_1} = -m_x^{-1}(c_1 + c_2)\psi_2, & \frac{d\psi_2}{dt} &= -\frac{\partial H_x}{\partial x_2} = -\psi_1 + m_x^{-1}(b_1 + b_2)\psi_2, \\ \frac{d\psi_1}{dt} &= -\frac{\partial H_1}{\partial x_1} = -m_1^{-1}c_1\psi_2, & \frac{d\psi_2}{dt} &= -\frac{\partial H_1}{\partial x_2} = -\psi_1 + m_1^{-1}b_1\psi_2, \\ \frac{d\psi_1}{dt} &= -\frac{\partial H_2}{\partial x_5} = -(m_2 - m_3)^{-1}c_2\psi_2, & \frac{d\psi_2}{dt} &= -\frac{\partial H_2}{\partial x_6} = -\psi_1 + (m_2 - m_3)^{-1}b_2\psi_2, \end{aligned} \right\}, \quad (10)$$

– вертикал ҳаракат учун:

$$\left. \begin{aligned} \frac{d\psi_1}{dt} &= -\frac{\partial H_y}{\partial y_1} = -m_w^{-1}(c_1 + c_2)\psi_2, & \frac{d\psi_2}{dt} &= -\frac{\partial H_x}{\partial y_2} = -\psi_1 + m_w^{-1}(b_1 + b_2)\psi_2, \\ \frac{d\psi_1}{dt} &= -\frac{\partial H_1}{\partial y_1} = -m_1^{-1}c_1\psi_2, & \frac{d\psi_2}{dt} &= -\frac{\partial H_1}{\partial y_4} = -\psi_1 + m_1^{-1}b_1\psi_2, \\ \frac{d\psi_1}{dt} &= -\frac{\partial H_2}{\partial y_3} = -(m_2 - m_3)^{-1}c_2\psi_2, & \frac{d\psi_2}{dt} &= -\frac{\partial H_2}{\partial y_6} = -\psi_1 + (m_2 - m_3)^{-1}b_2\psi_2, \end{aligned} \right\} \quad (11)$$

бошқаришга қўйилган $|u| \leq 1$ чегара билан киритамиз.

Қаралаётган тизимни ечиш учун қуйидаги зарурий шарт бажарилиши керак

$$H(q, (t), u(t), t, \psi, \psi_0) = \max_{u \in U} H(q, (t), u, t, \psi, (t), \psi_0). \quad (12)$$

Оптимал бошқаришни аниқлашга ўтишда (9) асосида функцияни шакллантириб:

– горизонтал ҳаракат учун:

$$\left. \begin{aligned} \dot{x}_w &= x_1, \dot{x}_w = y_2, \dot{x}_2 = u, -m_w^{-1}[b_1(x_2 - x_4) - c_1(x_1 - x_3) - \\ &\quad - b_2(x_2 - x_6) - c_2(x_1 - x_5)], \\ \dot{x}_q &= x_3, \dot{x}_q = x_4, \dot{x}_4 = m_1^{-1}[b_1(x_2 - x_4) + c_1(x_1 - x_3)] - u, \\ \dot{x}_{q_2} &= x_5, \dot{x}_{q_2} = x_6, \dot{x}_6 = (m_2 - m_3)^{-1}[b_2(x_2 - x_6) + c_2(x_1 - x_5)] - u_2 \end{aligned} \right\}; \quad (13)$$

– вертикал ҳаракат учун:

$$\left. \begin{aligned} \dot{y}_w &= y_1, \dot{y}_w = y_2, \dot{y}_2 = u, -m_w^{-1}[b_1(y_2 - y_4) - c_1(y_1 - y_3) - \\ &\quad - b_2(y_2 - y_6) - c_2(y_1 - y_5)], \\ \dot{y}_q &= y_3, \dot{y}_q = y_4, \dot{y}_4 = m_1^{-1}[b_1(y_2 - y_4) + c_1(y_1 - y_3)] - u, \\ \dot{y}_{q_2} &= y_5, \dot{y}_{q_2} = y_6, \dot{y}_6 = (m_2 - m_3)^{-1}[b_2(y_2 - y_6) + c_2(y_1 - y_5)] - u_2 \end{aligned} \right\}. \quad (14)$$

Худди шундай, агар $f^0 \equiv 1$ бўлса, $J(q_0, u(t), q(t)) = T - t_0$ ўринли деб оламиз ва у ҳолда (5)-(8) тез ҳаракат масаласи бўлади.

Қаралаётган объект стационар тизим ҳисобланади ва (5) масала шуни кўрсатадики, f ва U вақтга боғлиқ эмас, яъни

$$f(t, y, u) = f(y, u), \quad U(t) = U. \quad (15)$$

Агар стационар масала (5), (15) оптимал бошқариш $u(t)$ ва оптимал траектория $\varphi_0(t)$ га эга бўлса, у ҳолда (3) шартни қониқтирувчи, тривиал бўлмаган қўшма ўзгарувчилар $(\psi_1(t), \psi_2(t))$, $\psi(t) \in R^n$ вектори мавжудки, (12) максимум шarti бажарилади:

$$\psi_0(t) = \text{const} \leq 0. \quad (16)$$

Худди шундай (10), (11) қўшма тизимлар ψ_1 га нисбатан бир жинсли ҳисобланади, (16) тенгламадаги ўзгармасни ихтиёрий танлаш мумкин. Шундай қилиб

$$\psi_0(t) = -1 \quad 0 \leq t \leq T. \quad (17)$$

$\psi_2 \neq 0$ да $\max_{|u| \leq 1} H$ шартидан $u = \text{sign} \psi_2$ келиб чиқади, агар $\psi_2 \neq 0$ бўлса, унда максимум принципнинг чегаравий масаласи қуйидаги кўринишда ёзилади:

– горизонтал ҳаракат учун:

$$\left. \begin{aligned} \dot{x}_2 &= \text{sign} \psi_2 - m_1^{-1} [b_1(x_2 - x_4) - c_1(x_1 - x_3) - b_2(x_2 - x_6) - c_2(x_1 - x_5)], \\ \dot{x}_4 &= m_1^{-1} [b_1(x_2 - x_4) + c_1(x_1 - x_3)] - \text{sign} \psi_1, \\ \dot{x}_6 &= (m_2 - m_3)^{-1} [b_2(x_2 - x_6) + c_2(x_1 - x_5)] - \text{sign} \psi_2 \end{aligned} \right\}; \quad (18)$$

– вертикал ҳаракат учун:

$$\left. \begin{aligned} \dot{y}_2 &= \text{sign} \psi_2 - m_1^{-1} [b_1(y_2 - y_4) - c_1(y_1 - y_3) - b_2(y_2 - y_6) - c_2(y_1 - y_5)], \\ \dot{y}_4 &= m_1^{-1} [b_1(y_2 - y_4) + c_1(y_1 - y_3)] - \text{sign} \psi_2, \\ \dot{y}_6 &= (m_2 - m_3)^{-1} [b_2(y_2 - y_6) + c_2(y_1 - y_5)] - \text{sign} \psi_2 \end{aligned} \right\}. \quad (19)$$

Бундан келиб чиқадики, (12) шарт $u = \text{sign} \psi_2$, $\psi_2 \neq 0$ функцияни ажратади, яъни

$$H_t = -f^0 u + \psi_2(t) u. \quad (20)$$

Унда

$$u_k = \text{sign} \psi_2(t) = \begin{cases} 1, & \psi_2(t) > 1 \\ -1, & \psi_2(t) < -1 \end{cases}, \quad k=2,4,\dots,2n \quad (21)$$


ўринли, яъни бошқариш $u_k(t)$ битта нуқтада алмашлаб улаш имкониятига эга.

Машинанинг ҳаракатини тадқиқ қилиш учун Рунге-Кутта сонли усулини қўллаб бошланғич $t=0$ шарт асосида ҳисоблаш эксперименти ўтказилди ва натижалар жадваллар ва графиклар кўринишида олинди.


Понтрягиннинг максимум принциpidан пахта териш машинаси ҳаракатининг оптимал бошқаришнинг тузилиши олинди.

Ёрдамчи функциялар сонли усул билан қўшма тизим b_i , c_i , m_i конструкторив параметрларни ўзгартириш орқали аниқланди.

Натижада H -функциянинг энг катта қийматлари, пахта териш машинаси тебранишлари тезлик ва тезланишлари орасидаги боғланишларининг графиклари олинди (1- ва 2-расмлар).




1-расм. $h_m=30$ ммда горизонтал тебранишлар учун МХ-1.8 пахта териш машинаси параметрларининг ўзгариши




2-расм. $h_m=40$ ммда горизонтал тебранишлар учун МХ-1.8 пахта териш машинаси параметрларининг ўзгариши

МХ-1.8 пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизимини бурилиш йўлакчасидаги нотекис йўллардаги ҳаракати жараёнида ҳосил бўладиган горизонтал тебранишларининг математик моделларини ечишдан олинган натижалар тажрибавий натижалар билан мос тушди (3-8 расмлар).


Понтрягин максимум принциpidан пахта териш машинаси бошқарувчи гилдираги ҳаракатининг оптимал бошқаруви тузилиши олинди.




3-расм. $h_m=30$ ммда вертикал тебранишлар учун МХ-1.8 пахта териш машинаси параметрларининг ўзгариши




4-расм. $h_m=40$ ммда вертикал тебранишлар учун МХ-1.8 пахта териш машинаси параметрларининг ўзгариши




5-расм. $h_m=30$ ммда МХ-1.8 пахта териш машинаси осма тизимининг вертикал тебранишларининг ўзгариши



6-расм. $h_m=40$ ммда МХ-1.8 пахта териш машинаси осма тизимининг вертикал тебранишларининг ўзгариши



7-расм. $h_m=30$ ммда МХ-1.8 пахта териш машинаси осма тизимининг буралма тебранишларининг ўзгариши



8-расм. $h_{\text{м}}=40$ ммда МХ-1.8 пахта териш машинаси осма тизимининг буралма тебранишларининг ўзгариши

МХ-1.8 пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизимини бурилиш йўлакчасидаги нотекис йўллардаги ҳаракати жараёнида вертикал тебранишларининг математик моделларини ечишдан олинган натижалари тажрибавий натижалар билан мос тушди. Машинанинг вертикал тебранишида чап ва ўнг териш аппаратлари нотекис тебраниши аниқланди. Териш аппаратларининг нотекис тебранишининг сабаби гидроцилиндрни улаш дастагини тебраниш валининг ўртасида эмас, балки чап томонида ўрнатилганлигидадир.

Шундан сўнг, пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизими ҳаракатланишида оптимал конструкциясини моделлаштириш масаласи ечилди. Териш аппаратини кўтариш-тушириш гидроцилиндрни тебранувчи валнинг ўртасида ўрнатилган ҳамда тебранувчи валнинг бикрлиги абсолют қилиб олинган ҳисоблаш схемаси асосида МХ-1.8 пахта териш машинасини пахта даласининг бурилиш йўлакчасидаги нотекис йўллардаги ҳаракати жараёнидаги вертикал тебранишининг математик модели тузилди:

$$\left. \begin{aligned} m_u \ddot{y}_u &= F_y - b_1(\dot{y}_u - \dot{y}_{\kappa_1}) - c_1(y_u - y_{\kappa_1}) - b_2(\dot{y}_u - \dot{y}_{\kappa_2}) - c_2(y_u - y_{\kappa_2}), \\ m_1 \ddot{y}_{\kappa_1} &= b_1(\dot{y}_u - \dot{y}_{\kappa_1}) + c_1(y_u - y_{\kappa_1}) - m_1 \frac{2\pi^2 V_{\kappa_1}^2}{l_5^2} h_1 (1 - \cos \frac{2\pi V_{\kappa_1}}{l_5} t), \\ (m_2 - m_3) \ddot{y}_{\kappa_2} &= b_2(\dot{y}_u - \dot{y}_{\kappa_2}) + c_2(y_u - y_{\kappa_2}) - (m_2 - m_3) \frac{2\pi^2 V_{\kappa_2}^2}{l_5^2} h_2 (1 - \cos \frac{2\pi V_{\kappa_2}}{l_5} t), \\ j_{\text{тн}} \ddot{\varphi}_{\text{тн}} &= F_{\text{тн}} \cdot l_6 - 2 \cdot l_7 \cdot m_u \ddot{y}_u, \\ m_{\text{тн}} \ddot{y}_{\text{тн}} &= \frac{j_{\text{тн}} \ddot{\varphi}_{\text{тн}}}{l_7 - l_6}, \end{aligned} \right\} (22)$$

$$J(q_0, u(t), q(t)) = \int_{t_0}^T f^0(q(t), u(t), t) dt + g^0(q_0, g(T)) \rightarrow \min$$

$$q_i(0) = q_0(0), \quad \dot{q}_i(0) = \dot{q}_0(0), \quad V_i(0) = V_0(0)$$

$$q_i(t) = q_0(t), \quad \dot{q}_i(t) = \dot{q}_0(t), \quad V_i(t) = V_0(t) \quad (i=1, n), \quad 0 \leq t \leq T.$$

(22) тенгламалар системаси Рунге–Кутта сонли усули ёрдамида счилди. Ҳисоблаш тажрибаси шиналар тушиши 30 мм ва 40 мм бўлган ҳолларда ўтказилди.

МХ-1.8 пахта териш машинаси ва унинг териш аппаратлари осма тизимини бурилиш йўлакчасидаги нотекис йўллардаги ҳаракати жараёнида вертикал тебранишларининг математик моделларини ечиш орқали олинган ҳисоблаш тажрибалари натижалари Ш.М.Мирзиёевнинг ишидаги тажриба натижалари билан қиёсий таҳлили натижалар бир-бирига мос эканлигини кўрсатди.

Диссертация иши ва Э.Абдуллаевнинг ҳисоблаш тажрибалари натижаларининг қиёсий таҳлили шунини кўрсатдики, ҳисоблаш тажрибаси натижасида олинган пахта териш машинасининг олд ғилдираги тезланишининг $1,22 \text{ м/с}^2$ га тенг ўртача арифметик қиймати кичик оғиш билан бир қатор тажрибалар натижасида олинган олд ғилдиракнинг тезланишининг $1,36 \text{ м/с}^2$ га тенг ўртача арифметик қийматига мос тушади.

Тебранувчи валнинг диаметрини аниқлаш учун мустаҳкамлик шarti бўйича бикрлик коэффициенти орқали ҳисоблашлар асосида кесимларда мустаҳкамлик шартлари бажарилиши аниқланди. Амалга оширилган ҳисоблашлар тебранувчи валнинг диаметрини $d_{\text{ак}} = 0,080 \text{ м}$ га ўзгартириш мумкинлиги кўрсатди, бу эса ўз навбатида тебранувчи валнинг оғирлигини камайтириш имконини беради.

Иловада диссертация иши натижаларининг амалиётга қўлланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ЭҲМ учун яратилган дастурларни расмий рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари нусхалари келтирилган.

ХУЛОСА

“Машина-трактор агрегатларининг осма тизимлари ҳаракатининг моделлари ва бошқариш алгоритмлари” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. IDEFO методологияси асосида технологик машиналарни математик моделлаштириш ва оптимал бошқаришнинг кўп даражали функционал блоklar кўринишида ишлаб чиқилган шажаравий тузилмаси машина ҳаракатининг турли ҳолатларини тадқиқ этиш жараёнида параметрларни оптималлаштириш ва ечимларнинг мақбул вариантларини танлашни таъминловчи ахборот ва динамик жараёнларнинг боғлиқлигини график кўринишида акс эттириш имконини беради.

2. МХ-1.8 пахта териш машинаси турли шароитлардаги ҳаракати жараёнида горизонтал ва вертикал тебранишининг моделлари ва бошқариш алгоритмлари ишлаб чиқилди. Потрягиннинг максимум принципининг чегаравий масаласини ечиш МХ-1.8 пахта териш машинасининг ҳаракати жараёнида горизонтал ва вертикал тебранишларининг ўтиш жараёнларини аниқлаш имконини берди. Бунда қўшма тизим тадқиқ этилди ва ҳаракат

параметрлари F_i , M_i ҳамда конструктив параметрлар b , c , m_i , j_i ни шиналар тушиши $h_{ш}=0.03м$ ва $h_{ш}=0.04м$ бўлганда ўзгартириш орқали ҳаракатнинг оптимал кийматлари олинди. Шиналар тушиши $h_{ш}=0.04м$ бўлганда $h_{ш}=0.03м$ га нисбатан тебранишлар камайганлиги аниқланди.

3. МХ-1.8 пахта териш машинасини пахта даласининг бурилиш йўлакчасидаги нотекис йўллардаги ҳаракати жараёнида вертикал тебранишларининг математик моделларини ечиш натижалари машинанинг вертикал тебранишида ўнг ва чап териш аппаратлари нотекис тебранишини ва териш аппаратларининг нотекис тебранишининг асосий сабаби гидроцилиндрни улаш дастагини тебраниш валининг ўртасида эмас, балки чап томонида ўрнатилганлигида эканлигини кўрсатди.

4. МХ-1.8 пахта териш машинасини пахта даласининг бурилиш йўлакчасидаги нотекис йўллардаги ҳаракати жараёнида вертикал тебранишларининг математик моделларини ечишдаги ҳисоблаш тажрибаларининг натижалари териш аппаратини кўтариш-тушириш гидроцилиндри тебранувчи валнинг ўртасида ўрнатилганда ўнг ва чап териш аппаратларини текис тебранишини кўрсатди.

5. Майер масаласини ечиш натижасида тебранувчи вални 15,9 градусга буриш пахта териш машинаси ҳаракатини турғун ҳолати ва осма тизим териш аппаратларини текис тебранишини таъминлаши аниқланди.

6. Пахта териш машинаси ҳаракатини бошқариш учун ишлаб чиқилган математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалар дала шароитида тажриба ўтказиш вақтини қисқартириш ва териш аппаратлари осма тизими конструкцияси параметрларини оптималлаштириш имконини беради. Олинган илмий тадқиқот натижаларини «Трактор» МКБ УҚда қўллаш тажрибавий созлаш ва лойиҳалаш жараёнига сарфланадиган вақтни 80% га қисқаришини ҳамда териш аппаратлари осма тизимлари нормал ишлаш ишончилигини ошишини таъминлади.

7. Пахта териш машинаси ҳаракатини бошқариш учун ишлаб чиқилган математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалар турли шароитда ҳаракатланганда териш аппаратлари осма тизимининг конструктив параметрларини оптималлаштириш имконини беради. Олинган илмий тадқиқот натижаларини «КТЦСМ» МЧЖда қўллаш пахта териш машинаси ва териш аппаратлари осма тизимларини лойиҳалаш вақтини минималлаштириш ва параметрларини тезкор аниқлашни таъминлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

ЯКУБЖАНОВА ДИЛФУЗА КОДИРОВНА

**МОДЕЛИ И АЛГОРИТМЫ УПРАВЛЕНИЯ ФУНКЦИОНИРОВАНИЕМ
НАВЕСНЫХ СИСТЕМ МАШИННО-ТРАКТОРНЫХ АГРЕГАТОВ**

05.01.02 – Системный анализ, управление и обработка информации

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент– 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.1.PhD/T42.

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Азимов Бахтиёр Магруппович
доктор технических наук

Официальные оппоненты: Равшанов Нормакмад
доктор технических наук, профессор
Ходжаев Шухрат Толибович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский государственный технический университет

Защита диссертации состоится «18» декабря 2019 г. в 19⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 4/2606). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «5» декабря 2019 года.
(протокол рассылки № 20 от «19» ноября 2019 г.).



Р.Х. Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

Ф.М. Нуралиев
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

М.А. Рахматуллаев
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется решению проблем и задач многоуровневой структуры моделирования и оптимального управления динамическими режимами в процессе диагностирования параметров сельскохозяйственных машин, опираясь на современные информационные технологии. «По данным мирового производства хлопка сырца около 30% этого сырца собирают машины. Австралия, Израиль и США являются единственными странами, где весь хлопок собирается машинами»¹. Для борьбы с постепенным увеличением количества обрабатываемых земель и сокращением рабочей силы производство хлопка в более развитых сельскохозяйственных системах привело к движению в сторону более крупного и более тяжелого оборудования с повышенной пропускной способностью. Многими странами мира, в том числе США, Германией, Австралией, Израилем, Россией, а также Узбекистаном ведутся научно-исследовательские работы, нацеленные на усовершенствование технологических процессов функционирования сельхозмашин, в частности и хлопкоуборочных машин.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на усовершенствование моделей и алгоритмов управления функционированием машинно-тракторных агрегатов и повышение их производительности. В этой связи, в частности управление технологическими процессами работоспособности хлопкоуборочных машин в различных условиях движения на основе разработанных математических моделей, проведение вычислительных экспериментов с учётом различных внешних и внутренних воздействий на функционирование машин входят в число важнейших задач.

В нашей республике особое внимание уделяется вопросам разработки мероприятий по созданию системы комплексного мониторинга с целью контроля и диагностики функциональных, конструктивно-технологических и энергетических параметров хлопкоуборочных машин. Наряду с этим особую значимость имеют внедрение информационно-коммуникационных технологий в отрасль сельхозмашиностроения, разработка новых хлопкоуборочных машин с навесными системами, усовершенствование существующих, повышение их производительности. В частности, проведены научные исследования по разработке методов научно обоснованного проектирования хлопкоуборочных машин и навесных систем их рабочих агрегатов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи, в том числе «...модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства, ...применение информационно-коммуникационных технологий в системе экономики и управления»². Выполнение указанных задач, в частности, разработка математических моделей и численных алгоритмов процессов

¹ <http://journal.cotton.org>, The Cotton Foundation 2015.

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан"

функционирования хлопкоуборочных машин с навесными системами в различных условиях движения считается одной из важнейших задач.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, указанных в следующих законодательных актах: Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республик Узбекистан», Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3117 от 7 июля 2017 г. «О мерах по дальнейшему развитию научно-технической базы в сфере сельскохозяйственного машиностроения», Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3929 от 4 сентября 2018 г. «О мерах по совершенствованию системы управления отраслью сельскохозяйственного машиностроения», Постановление правительства Республики Узбекистан № ПП-1989 от 27 июня 2013 г. «О мерах по дальнейшему развитию Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан» и в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Настоящая работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV- «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. За последние годы по разработке моделей и алгоритмов управления функционированием навесных систем машинно-тракторных агрегатов проведены научные исследования и получены значительные теоретические и практические результаты. Они рассмотрены в работах зарубежных ученых, в частности Р.Дорф, Р.Бишоп, С.М.Нисии, А.И.Светачев, Г.Б.Шпилевский, А.В.Шишкин, Е.В.Сливинский, В.М.Дмитриев, Г.Таяновский, Ю.А.Тырнов, Г.П.Мисын, З.С.Зегерман, А.В.Папков, С.В.Тарасова, П.Ю.Яковлев, З.Я.Лурье, В.А.Макей, Е.Н.Цента и др.

В Узбекистане Х.Х.Усманходжаев, А.Д.Глущенко, Р.Д.Матчанов, Ш.М.Мирзиёев, Х.Т.Турапов, М.Т.Тошболтаев, Э.К.Абдуллаев, Ф.К.Дадабаев, Х.З.Эгамбердиев и Б.М.Азимов внесли большой вклад в разработку математических моделей и алгоритмов управления функционированием машинно-тракторных агрегатов.

В настоящее время проблемы разработки моделей и алгоритмов управления функционированием хлопкоуборочных машин с навесными системами при различных условиях движения недостаточно изучены.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в рамках научных работ Научно-инновационного центра информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий по проектам: КА-3-017+КА-5-002-«Моделирование движения и оптимальное управление и разработка

